



«O'zpartamonaj» aksiyadorlik jamiyati  
 akциядорларининг 2017-йил «27» июндаги  
 умумий йиғилиши қарори билан  
 «ТАСДИҚЛАНГАН»



**«O'zpartamonaj» АЖ Уставига  
 киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар матни**

Эски тахрир	Янги тахрир
<p>3.10. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.</p>	<p>3.10. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, қабул қилинади.</p>
<p>7.11. Ушбу Уставнинг 7.8. бандининг а, б, в, д, н, о, с - хат бошиларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали, купчилик) овози билан қабул қилинади.</p>	<p>7.11. Ушбу Уставнинг 7.8. бандининг а, б, в, д, н, о - хат бошиларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали, купчилик) овози билан қабул қилинади.</p>
<p>8.2 банднинг 6 кичик банди:                  - жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги тахрирдаги уставни тасдиқлаш, шунингдек аудиторлик текшириши ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига ҳақ тўлашнинг чекланган миқдорини белгилаш тўғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши қарорига киритиш;                  - жамиятнинг йиллик ҳисоботи билан жамиятнинг йиллик молия-хужалик фаолиятини аудиторлик текшируви якунлари бўйича ташки аудиторнинг ҳисобот ва хулосасини эшитиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш. Бунда жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим;</p>	<p>8.2 банднинг 6 кичик банди:                  - жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги тахрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши қарорига киритиш;                  - жамиятнинг йиллик ҳисоботи билан жамиятнинг йиллик молия-хужалик фаолиятини аудиторлик текшируви якунлари бўйича ташки аудиторнинг ҳисобот ва хулосасини эшитиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш. Бунда жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида ўттиз кун олдин жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим;</p>

«O'zpartamonaj» АЖ  
 бошқарув раиси:



*(Handwritten signature)*

Б.О. Суяров

Санаддан ва тикилган

Рабишваб

Варақдан иборат

Рабишваб



Санаддан ва тикилган

Душанбе

Варақдан иборат

Рабишваб

